

ЧЎЛПОННИНГ ЯНГИ ТОПИЛГАН “ЯНА УЙЛАНАМАН” КОМЕДИЯСИ ҲАҚИДА

Дилдорахон Зумратбековна Абдуллаева

Андижон давлат университети доценти, филология фанлари доктори

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ўзбек жаҳид шоири Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг илгари маълум бўлмаган комедияси ва унинг ёзилиш тарихи, ўша даврда сахналаштирилиши, комедиянинг мавзуси, мазмун мундарижаси, қаҳрамонлари, асарнинг комедияга хос хусусиятлари ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: XX аср бошларидаги драматургия, Чўлпон драмалари, комедия, “Яна уйланаман” комедияси, комик қаҳрамонлар, комедияда кулгу бадиий восита сифатида.

ABOUT CHULPAN’S NEWLY FOUND COMEDY “I’LL MARRY AGAIN”

ABSTRACT

This article devoted about the previously unknown comedy of the Uzbek poet of jadid Abdulhamid Suleyman oglu Chulpan and its writing history, staging at that time, the theme of the comedy, its content, its heroes, the characteristics of the work that are characteristic of the comedy.

Keywords: dramaturgy at the beginning of the XX century, Steppe dramas, comedy, comedy “I’m getting married again”, comic heroes, in comedy as an artistic means of laughter.

КИРИШ

XX асрнинг 20-йилларида ўзбек жаҳид адабиёти янги адабий жанрлар, турли туман шакл ва услубларда ўзини намоён қилди. Айниқса, драматургиянинг ўзига хос шакл ва мазмунда ривожланиши эътиборга лойиқ. Айтиш жоизки, сахна асарларининг генетик илдизлари халқ драмалари, кўғирчоқ ўйини, ўзбек халқ томоша санъатига бориб тақалади. Алоҳида ижодкорларнинг муайян сахна асарини яратиши ўзбек адабиётида XX асрнинг 10-20-йилларига тўғри келади. Ўзбек драматургиясининг пайдо бўлиши ва ривожланиши жаҳид адиблар номи билан боғлиқдир.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, Чўлпоннинг ўз мақолаларида ва бошқа қайдларда номи зикр этиладиган, лекин топилмаган ёки йўқолган драмалари

бўлган. Бу борадаги тадқиқотлар, илмий мақолаларда Чўлпоннинг топилмаган сахна асарлари номлари қуйидагича келтирилади: 1. “Бой” (1914). 2. “Чўрининг исёни” (1919, 1926). 3. “Халил фаранг” (1917, 1921). 4. “Ўртоқ Қаршибоев” (1928). 5. “Яна уйланаман” (1926). 6. “Узун кулоқ бобо”. 7. “Чўпон севгиси”. 8. “Ўлдирувчи” (1922). 9. “Ҳижрат” (1936, 1937). 10. “Бухоро жаллодлари”. 11. “Қоровул уйқуси”. 12. “Рамазон кўринишлари”. 13. “Ов”. 14. “Синиқ ойна”.

“Яна уйланаман” сахна асари ҳақида Чўлпоннинг ўзи шу номдаги мақоласида бир талай маълумотлар беради. “Московдаги драм истудиямизнинг бу йилги ишларидан” тагсарлавҳаси қўйилган ушбу мақола “Юсуфжон акам сахнада! Машҳур қизғимиз Юсуфжон ака Москва сахнасида!” жумласи билан бошланган. Мақоланинг бундай бошланиши ўқувчини, албатта, қизиқтиради. Чўлпоннинг кейинги ўриндаги изоҳига кўра Юсуфжон қизиқ 1923 йилда бўлиб ўтган Бутуниттифоқ деҳқончилик кўрғазмасига келиб қатнашган. Бу сафар эса муҳаррир, ёзувчи, фожианавис сифатида чиқмоқда, дейди Чўлпон. Юсуфжон қизиқнинг кўп жойларда айтиб юрадиган бир қулгили ҳикояси бўлиб, Чўлпон уни қайта ишлаб ҳикоя қилмоқчи бўлади. Мейерхолд театри Л.Свердлинга таржима асарни сахнага қўйиш топшириғини беради, лекин Л.Свердлин “асл (оригинал)” (Чўлпон) асар қўймоқчи бўлади. Чўлпон унга Юсуфжон қизиқдан эшитган ҳикоясини айтганда, “маъқул бўлди ва боши кетига кўринишлар қўшиб, тезлик билан ёзиб беришга” буюради. Шу тарзда “Яна уйланаман” асари майдонга келади. Мақоладан маълум бўлишича, комедия 1926 йилда Москва театрида сахнага қўйилган, ҳатто Бутуниттифоқ шўролар қурултойига келган вакилларга айрим сахналарни намойиш қилганлар. Кейинги йил қишда Ўзбекистонда, пойтахтда қўйилса керак, дейди муаллиф.

Адабиётшунос Н.Каримов фикрича, мазкур комедия Тошкент ва Самарқандда қўйилган. Агар Чўлпоннинг 1927 йилда Самарқандда Ўзбек драма студиясида фаолият олиб борганини назарда тутсак, “Яна уйланаман” комедиясининг сахнага қўйилганини тахмин қилиш мумкин. Бироқ бу асарнинг ўзбек сахнасида қўйилганини аниқ далилловчи фактлар етишмайди.

Чўлпоннинг юқорида зикр этилган мақоласида комедиянинг Москвадаги сахналаштирилиши, актёрлари ва бошқ. тўғрисида тўхталиб ўтилади. Хусусан, “Правда” газетасининг театршунос муҳаррири Февральскийнинг мақоласидаги ўринларга эътибор берилади. Февральскийнинг фикрларига эътибор қилинса, у Л.Свердлиннинг Европа ва ўзбек театридаги унсурларни бирлаштира олганлигини таъкидлаб ўтади. Спектаклда Шарққа хос қизиқ ҳаракатлар берилган, рақс, ашула ва чолғу асбоблари (танбур, дутор, чилдирма, ноғора,

карнай ва бошқ.) киритилган, Л.Свердлин “Шарқ халқининг ўлтириб гаплаша беришдаги зерикдириш таъсирларидан спектаклни кутқарган”. Саҳна декорациялари ҳам шартли ва содда бўлиб, жами 130 сўм сарфланган экан. Чўлпон Февральскийнинг спектаклда роль ўйнаган актёрларга алоҳида-алоҳида баҳо бермай, умумий тарзда баҳо берганини айтиб ўтади. Февральскийнинг умумий тарзда бўлса-да, актёрлар маҳорати, ижро йўсинига ижобий муносабат билдирганини англаш мумкин: “Ёш актёрлар жуда кизиқиб ўйнайдирлар; зўр қобилиятлари бўлган бир неча актёрларни кўргандан кейин Шарқнинг халқ оммалари орасида қандай бой артистлик кучлари бўлганлигини кўрасан”. Ушбу фикрлардан хулоса қилиб Чўлпон “Ўзбекистонда саҳна кўрмасдан туриб асар ва унинг тизмаси тўғрисида бундан ортиқ гапириб бўлмайди” деб тўғри таъкидлайди. Дарҳақиқат, ўзбек театри ҳали ёш ва тажрибасиз бўлатуриб, яхши натижаларни кўрсатиши давр учун муҳим янгилик ва маданий тараққиёт намунаси эди. Чўлпоннинг “Яна уйланаман” комедиясига асос бўлган воқеанинг “боши кетига кўринишлар қўшиб, тезлик билан ёзиб бергани” ҳамда матбуотдаги мақолада илиқ фикрлар билдирилгани, Чўлпоннинг бу саҳна асари ҳақида ўзи мақола чоп этганини назардан ўтказилса, ўзбек театри учун бу ҳодиса муҳим бўлганини таъкидлаш мумкин.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ.

Жадид драматургияси, хусусан Чўлпон драматик асарлари ҳақида адабиётшуносликда турли даражада ишлар амалга оширилган. Адабиётшунос олимлардан О.Шарафиддиновнинг “Чўлпон” рисоласининг тўртинчи боби Чўлпон драмаларига бағишланган [8;80]. Унда Чўлпоннинг “ўзбек совет театрининг ривожда Чўлпоннинг хизматлари Ҳамза Ҳакимзода ва Уйғурларнинг хизматидан кам эмаслиги”, “Чўлпоннинг ўзбек драматургияси ва театри соҳасидаги хизматлари жуда салмоқли бўлишига қарамай, кўп йиллар давомида бу тўғрида лом-мим дейилмай келинган”и тўғри таъкидланган. Асарда “Ёркиной” драмасидан ташқари 8 та драма номи манбаларда келтирилиши, лекин уларнинг аксариятининг матнлари йўқлиги айтилади. Рисолада Чўлпоннинг “Ёркиной”, “Хужум”, “Бой”, “Халил фаранг”, “Чўпон севгиси”, “Чўрининг исёни”, “Ўртоқ Қаршибоев”, “Муштумзўр” (“Замона хотини”) номлари айтилади, айрим асарларга тўхталиб ўтилади. Бунинг қаторида биз сўз юритмоқчи бўлган “Яна уйланаман” комедияси зикр этилмаган. С.Мамажонов “Бизнинг Чўлпон” асарида Чўлпон саҳна асарларининг яратилиши, ўша даврда саҳналаштирилиши, шоирнинг номлари маълум, лекин матнлари топилмаган

драматик асарлари, хусусан “Яна уйланаман” комедияси ҳақида қизиқарли маълумотларни тақдим этади [3;16-17]. Н.Каримовнинг яна “Чўлпон” маърифий романининг “Ўзбек драмстудияси”, “Чўлпон театри”, “Хужум” фаслларида Чўлпоннинг драматургик фаолияти, унинг театрда адабий эмакдош вазифасида ишлаган давридаги воқеалар баён қилинади [2;264, 309, 327]. Адабиётшунос олимнинг “Истиклолни уйғотган шоир” [1] китобида, “Чўлпон ва унинг бадиий олами” номли мақоласида [7] Чўлпоннинг Ўзбек драма студиясидаги ижоди, Самарқанд, Москвадаги драматургик фаолияти таҳлил қилинади. Ш.Ризаевнинг “Жадид драмаси” асарида ўзбек драматургиясининг шаклланишида Чўлпоннинг ҳам ҳиссаси борлиги қайд этилади [4;111]. Д.Қуроноунинг “Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси” асарида Чўлпоннинг ўзбек театридаги фаолияти, драмаларининг айрим жиҳатларига эътибор қаратилади [9].

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР.

Чўлпоннинг “Яна уйланаман” пьесаси комедия жанрига мансуб бўлиб, шу кунгача унинг номи, умумий мазмуни ҳақида айрим маълумотлар мавжуд эди холос. Комедиянинг матни илмий ва адабий жамоатчиликка маълум эмас эди. 2020 йилги изланишларга кўра жадид шоирнинг “Яна уйланаман” комедияси матни РГАЛИ ВТО Кабинет интернациональных народов СССР бўлимидан (инв.№59/IV) топилди. Мазкур комедия рус тилида бўлиб, ёзув машинкасида ёзилган, 33 бетдан иборат. Асар муаллифи Чўлпон эканлиги биринчи бетда қайд этилган. Сарлавҳа дастлаб ўзбек тилида “Пул ундириш” или “Яна уйланаман” деб ёзилган, сўнгра қавсда “Снова хочу жениться” деб ёзиб қўйилган.

“Яна уйланаман” пьесаси 3 парда 6 кўринишли комедия бўлиб, масжид имомининг иш ҳақини бир бой ўзлаштириб олгани, шу икки йиллик ҳақни ундира олмаётганлиги тўғрисида хотини билан тортишиб қолгани, аччиқ қилиб хотини устига хотин олмоқчи бўлгани, имомнинг ҳийла йўли билан бойдан ҳақини ундириши каби воқеалар юмор орқали кўрсатиб берилади. Комедияда бош қаҳрамонлар масжид имоми (домулла), унинг хотини Тўтихон, бой, Тўхтасин, Сотқин кабилар, масжид аҳли, Ширмон хола, бойнинг иккинчи хотини Назокат, Турғун, айиқ ўйнатувчи каби иккинчи даражали қаҳрамонлар иштирок этадилар.

Комедияда имомнинг уйига кириб келиши ҳамда эҳтиётсизлиги туфайли сут, қатиқларни тўкиб юбориши, шу сабаб бўлиб хотини билан оилада эру хотиннинг вазифаси тўғрисида баҳслашиши билан бошланади. Имом хотинидан яширинча уйланмоқчи бўлган-у, буни сир тутаётган эди. Шу жанжал асносида

сир очилади. Имом уйланмоқчи бўлган қиз томонга воситачи – Турғун исмли болани жўнатган эди. Турғуннинг қиз томоннинг гапини етказишида ва имомнинг хотини бу гапларни эшитиб қолмаслиги учун қилган ҳаракатлари ўқувчи, томошабинда кулги уйғотади. Имом ўзини болага гўё дам солаётгандай кўрсатади-ю, аслида боладан нима гап олиб келганини билмоқчи бўлади. Хотинига эса боланинг тутқаноғи борлигини айтади. “Домулла: - (қўллари билан дарҳол боланинг оғзини ёпади ва дуо-афсун ўқийди) Э, ярамас, ҳамма ишни расво қилдинг. Куф!... Сендақа ярамасни менга юборган Ширмон холага худонинг лаънати бўлсин... Суф...*[5;4]. Имомнинг икки йиллик масжиддаги хизмати учун намозхонлардан фойдаланиб бойдан иш ҳақини ундиришида ҳам кулгу ҳолати мавжуд. У намоздан аввал масжид аҳлига имомлик қилишдан бош тортишини айтади ҳамда “домулладан аввал бошимизни кўтарсак, хотинларимиз ўзимизга номаҳрам бўлсин” деб қасам ичишса, кейин имомликка ўтиш шартини кўяди. Комедиянинг бу қисмини Чўлпоннинг ўзи мақоласида “авжи жойи ғалати бир “кўрқинч” (трюк)ни кўрсатади” [6;118] деб ёзган эди.

Масжид имомининг шундай хийла билан ўз пулларини ундириши, албатта, бойнинг ғазабини кўзғайди. Бойдан кейин ўч олмаслик шартини қўйган бўлса-да, имом уйланмоқчи бўлган қизни ундан тортиб олмоқчи бўлади. Бу ишни имом оғиз солган қиз – Сотқинхонга уйланмоқчи бўлган йигит Тўхтасин уюштиради. Воқеа шундай тус оладики, Тўхтасин имом ва бойни тўқнаштириб, иккаласидан ҳам Сотқинхонни қутқариб қолади.

Бойнинг хизматкори Ҳайитнинг уни уқалаши саҳнасида ҳам юмор, кулгили ҳолат бор. Унинг семириб кетганлигидан танаси ҳеч нимани ҳис қилмай қўйганлиги, хизматкори қанча уқаласа ҳам таъсири бўлмаётганлиги уларнинг савол жавоби ҳамда Ҳайитнинг ҳаракатларидан кулгу пайдо бўлади. Ҳайит бойга: “Хўжайин, ахир сиз семиз одамсиз. Сиз, тўғриси, бордонга ўхшайсиз.. Бир неча пуд буғдой олиб келганларида, уларни бордонга беҳуда жойлабмиз, ҳаммасини сизнинг қорнингизга жойлаш керак эди” дейди [5;22]. Бордон – гуруч ва буғдой сақлашга мўлжалланган бочкасимон идишдир. Ҳайит томонидан бойга берилган бундай таъриф ва ташбеҳ унинг ташқи ва ички портретини яққол очиб беради.

* Асар рус тилида бўлиб, уни мазкур мақола муаллифи ўзбекчалаштирган. РГАЛИ ВТО Кабинет интернациональных народов СССР бўлими инв.№59/IV. Чўлпон. “Пул ундириш” ёки “Яна уйланаман” комедияси.

Бой иш билан кетгандан кейинги сахнада Ҳайит унга тақлид қилиб супада ётаркан, унинг нутқи орқали ҳам бойга характеристика берилади: “Бу қўтир тўнғизнинг танаси ҳеч нарсани ҳис қилмайди. Катта болға ёки бирор алоҳида мошинка билан уриш керак. Озгина ишласа, ўша заҳотиёқ чарчайди, оғир ҳансирашни бошлайди. Ўзи тўртта хотини бор, бешинчисини олишдан ҳам тоймайди” [5;23]. Бойнинг пулга ўчлиги ва ўта хасислиги Тўхтасин билан суҳбатда ҳам кўринади. Тўхтасин айтган режа орқали имомдан қизни тортиб олиш учун сарфланадиган чиқим устида бой савдолашади. “Мен домулладан кўп сарфлайманми”, “150 сўмдан ортиқ бир тийин ҳам бермайман” деган гаплари бойнинг хасислигидан далолат беради.

Асарда очкўз бойлар айиқ ўйнатувчи чол томонидан ҳам ҳажв қилинади. Масжид олдидаги майдонда болаларга айиқ ўйини томошаси қўйилганда чол айиққа қарата, пулини судхўрга бериб фоизсиз қолиб ўлган бойларни кўрсат, деб буйруқ беради. Айиқ жон бераётган бойларнинг ҳолатини кулгили тарзда кўрсатади. Комедия жанрига хос асосий хусусиятлардан бири ҳам кулгу, юмордир. Асар бошидан охирига қадар юмор пафоси билан суғорилган.

Тўхтасиннинг тузган режасига кўра домла уйланаётган қиз келинчакнинг “тутқаноғ”и тутиб қолади. Домла уни талоқ қилиб, бойга ўтказиб юбораётган маҳалда Тўхтасин иккисининг ҳам асл башарасини очиб ташлайди. Маълум бўлишича, Тўхтасин ва Сотқинхон болалигида бешиккертти қилинган экан. Атрофдагиларнинг ҳаммаси ёшлар томон бўлишади ва пьеса ўйин кулги, рақслар билан тугайди.

Мазкур сахна асарининг сўнггида қуйидагича изоҳ ёзилган: “Бу пьеса ўзбек шоири, драматург, Ўзбек давлат драма театрининг адабий ходими Чўлпон (Сулаймонов) қаламига мансуб. Асар театр студиясига оид шаклда ёзилган ва сахналаштирилган. Постановкачи Свердловин. Пьеса 1927-28 йилдаги театр репертуарига киритилган, асар матнига постановкачи ва бадиий раҳбар Тихонович томонидан ўзгартиришлар киритилган. Кейинчалик асар репертуардан олиб ташланди, боз устига муаллиф қатағонга учраган ва театр ходимлари сафидан, драматургиядан чиқариб юборилган эди” [5;33].

“Яна уйланаман” комедияси ўзбек адабиёти, ўзбек драматургияси учун янги топилма ҳисобланади. Асарни илмий ва адабий жамоатчиликка етказиш, уни таҳлил ва талқин қилиш зарурати бор.

ХУЛОСА

Абдулхамид Сулаймон ўғли Чўлпон ўз ижодий фаолияти давомида наср, назмдан ташқари драматургия соҳасида ҳам асарлар яратди. Саҳна асарларининг яратилиши XX аср бошларидаги ўзбек адабиёти ва маданий ҳаёти учун катта янги ҳодиса эди. Бу даврда театр, драматургия жаҳид адибларнинг янгича қарашларини ифодаловчи, халққа жаҳид ғояларини тезроқ етказиш воситаси эди. Бехбудий, Фитрат, Ҳамза, Авлоний каби қатор адиблар сингари Чўлпон ҳам бир неча пьесалар яратди. У яратган пьесалар ўндан ортиқ бўлиб сон жиҳатдан у қадар кўпчиликни ташкил қилмаса-да, мавзусининг долзарблиги, мазмун қамрови, давр масалаларини акс эттириши билан аҳамиятлидир. Шу кунга қадар Чўлпоннинг драматургик фаолияти адабиётшуносликда тадқиқ этилмаган бўлиб, унинг саҳна асарларининг ўрганилиши XX аср бошларида янги соҳа бўлган драматургиянинг тарихий тадрижини ўрганишда катта аҳамиятга эга эканини хулоса қилиш мумкин. Чўлпон пьесаларидан айримларининг матнлари шу кунгача топилмаган деб келинади. Унинг “Яна уйланаман” пьесаси матни топилгач, адибнинг комедия жанрида ҳам қалам тебратган деган хулосага келинди. Комедияда комиклик, кулгу, унинг турлари, заҳарханда ва беғубор кулгу, ҳолат кулгуси, юмор пафоси кабилар мавжуд. Бу эса пьесанинг жонли, қизиқарли ва мазмунли чиқишига хизмат қилган. Чўлпоннинг ўнлаб драмаларида давр ижтимоий-сиёсий масалалари, миллат эрки ва равнақи, хотин қизлар ҳуқуқи, жаҳолат ва маърифат ғояси илгари сурилган. Шу боис мазкур асарларнинг аҳамияти барча даврлар учун муҳимдир.

(Ушбу мақола бажарилиши 2021-2022-йилларга мўлжалланган А-ОТ-2021-57 рақамли “Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси манбаларининг электрон платформаси ва мобил иловасини яратиш” мавзусидаги амалий грант лойиҳаси доирасида тайёрланган.)

REFERENCES

1. Каримов Н. Истиклолни уйғотган шоир. – Т.: Маънавият, 2000. – 88 б.
2. Каримов Н. Чўлпон (маърифий роман). – Т.: Шарқ, 2003. – 464 б.
3. Мамажонов С. Бизнинг Чўлпон. – Т.: Ёзувчи, 1997. – 64 б.
4. Ризаев Ш. Жаҳид драмаси. – Т.: Шарқ, 1997. – 320 б.
5. Чўлпон А. РГАЛИ ВТО Кабинет интернациональных народов СССР бўлими инв.№59/IV. Чулпан. “Пул ундириш” или “Яна уйланаман”.
6. Чўлпон А. Асарлар. 4 жилдлик. 4-ж. – Тошкент: “Академнашр”, 2013. – 384 б.
7. Чўлпоннинг бадиий олами. – Тошкент: Фан, 1994. – 132 б.
8. Шарафиддинов О. Чўлпон. - Т.: Чўлпон, 1991. – 112 б.
9. Куронов Д. Чўлпоннинг ҳаёти ва ижодий мероси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – 80 б.